

ФИКР ТИНИҚ, ҒОЯ АНИҚ БЎЛСИН!



Дунё геосиёсий майдонида сўнгги йилларда Ўзбекистон тез-тез тилга олинган бўлди. Бу бежиз эмас. 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди. Ўшанда давлатимиз раҳбари авваллари хаёлга келтириш мумкин бўлмаган кўплаб йўналиш ва тамойиллар қатори “Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”, деган аниқ мақсадни ўртага қўйган эди.

Жумладан, амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар қаторида инновация келажак кафолат эканини, жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаришини, бу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътибор марказида бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Орадан олти йил ўтди. Тарихан олиб қараганда, бу кўз очиб юмгунчалик фурсат. Ўнлаб йиллар давомида қотиб қолган тушунчалар ва ўзгармас ақидалар фонидан янгиланиш қийин кечади, дейишади. Ният бошқа, амалга ошириш бошқа, дея белгиланган вазифаларга шубҳа билан қараб, ўлда-жўлда қолиб кетишини гумон қилганлар ҳам бўлди. Аммо, мана, шу олти йиллик қисқа фурсат барча шубҳа-гумонларни чиплакка чиқарди. Авваллари номи ҳам қайд этилмаган дунё рейтингларида Ўзбекистоннинг турли жабҳалардаги кўрсаткичлари салмоқли ўрин олди. Таққосласа, таҳлил этса арзигулик рақамлар, натижалар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси эзгу ғоя ўз натижасини бера бошлаганини намоян этди. Танланган йўл тўғрилигини исботлади.

Энг муҳими, халқ розилиги йўлида кўзланган марралар юксак. Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси пойдеворини яратишдек юксак мақсад аҳолининг нуфузли қисmini ташкил этадиган ёшларни ҳаракатга ундай бошлади. Иқтисодий-ижтимоий соҳалар билан бир қаторда маданий юксалиш муҳимлигига эътибор кучайди. Янгилликка интилиш, юксалиш, ривожланиш, тараққиёт, бунёдкорлик ёшликнинг ажралмас қисми экани ўз исботини топа бошлади.

Ўзбекистон — ёшлар мамлақати. Ёшлик беқиёс имкониятларни юзага чиқарди. Соҳалар гуллаб-яшнаб, ишбилармонлик муҳити пайдо бўлди, бизнес ривожини йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари янги — 2024 йил муносабати билан халқимизга йўллаган табриқда иқтисодиётимизга хорижий инвес-

тицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш, илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш, хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтариш ривожланишга муқобил равишда ўсади. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш асосий вазифа экани айтиб ўтилди. Шу мақсадда 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди.

Табриқда тилга олинган соҳаларга оид атамаларнинг аксарияти технологик ўзгаришларга юз тулган дунё тараққиёти билан боғлиқ равишда замонга мос экани эътиборга олинган бўлса, йил номи ҳар томонлама пухта ўйлаб қўйилгани, жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё билан ҳамқадам тараққиёт йўлини акс эттиради.

Табриқда таъкидланганидек, ортда қолган 2023 йил эл-юртимиз учун кут-баракали ва омадли келди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик эзгу ғояларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ўтган йили мамлакатимиз тарихида биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституция қабул қилинди. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалга оширила бошланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги таҳрирдаги “Жадид” ҳафталик адабий-маърифий, илмий газетанинг чиқа бошлагани ҳам Сиз азиз муштарийларга янги кунлар шукуҳини бахш этишига ишонамиз.

Янги йилингиз омадли келсин!

Шойим БЎТАЕВ

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

“Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир”.

Ушбу пурмаъно ва ҳаққоний фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриқда айтилган. Давлатимиз раҳбари бу борада илгари сурган амалий тақлифлардан бири янги, 2024 йилнинг илк кунидеяқ рўёбга чиққани — «Жадид» газетасининг дастлабки сони чоп этилгани таҳсинга сазовор.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН АДОЛАТ ПОСБОНЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мустабид тузум даврида ноҳақ қатағон қилинган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг пок номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда юзлаб ана шундай фуқаролар, жумладан, қанчадан-қанча жадид боболаримиз Ўзбекистон Олий суди томонидан оқлангани бу йўлдаги муҳим амалий қадам бўлди.

Бугун инсон қадрини улуғлаш ғояси давлатимиз ва жамиятимизнинг энг эзгу ва олий мақсадига айланган.

Бу мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эса, халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллатимиз ва мамлакатимиз саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг покиза номларини абадийлаштириш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев доимо марҳумлар, айниқса, эл-юрт манфаатлари йўлида жонини тикканлар руҳига эҳтиром кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапирдилар, бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берадилар.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

ЖАДИДЧИЛИК НИМА?

Уни нега ўрганиш керак?

XIX аср охири — XX аср бошларида “жадид”, “усули жадид”, деган сўз ва иборалар кўплана бошлади. Кейинроқ эса бу ҳодиса бутун жамият ҳаётида ўзгаришлар ясай бошлагач, “жадид”, “усули жадид”, “зиёли”, “тараққий” каби сўзлар оммалашиб кетди. Қримнинг Боғчасарой шаҳрида “Таржумон” номли газета чиқариб, Россия чор маъмуриларини ташвишга солиб қўйган татар зиёлиси Исмоилбек Ғаспрали “усули жадид” тушунчаси ва у билан боғлиқ бутун бир жараённинг асосчиси эди. Бу тушунчани Исмоилбекнинг ўзи шундай таърифлайди: “...ота-бобо кунлариндан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жадид демакдир, бошқа бир ўқув, бошқа бир мактаб демак дағилдир”.

Амалий жиҳатдан фақуллодда ижобий натижалар берган бу усул асри бошида Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларига қирб бораётган эди. Бу усул тарғиботчилари ана шу муносабат билан “жадидлар” номини олди, уларнинг мактаблар ислоҳоти билан бошланиб, аста-секин жамиятнинг маданий-маънавий ҳаётини, кейинроқ ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олган ҳаракати учун эса “жадидчилик ҳаракати”, даврни эса “жадидчилик даври” деб аташ ҳам XX аср 20-йилларда таомилга кирган эди. Бу даврни ўз вақтида айрим мутахассислар “Туркистоннинг миллий уйғониш тарихи”, дея номлаб салмоқли тадқиқотлар ҳам яратганлар.

(Давоми 3-саҳифада) ➤

ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

Авалло, “Jadid” газетасининг биринчи сони билан республикамизнинг барча зиёлиларини чин юракдан муборакбод этаман. Ўз даврида мактаблар очиб, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзган ака-ука Шокиржон ҳамда Собиржон Раҳимийдек жадидларнинг давомчилари сифатида биз бу янгилдан оиламиз билан жуда мамнун бўлдик. Газетадаги барча маълумотлар, мақолалар қизиқарли, албатта. Айниқса, адабиётшунос Б.Каримов томонидан “Таклиф” рукнида берилган “Турон” жадид кутубхонаси бунёд этилса...” мақоласи менга жуда манзур бўлди. Қирқ йилдан ортиқ шу соҳада хизмат қилган кутубхоначи

сифатида бу таклифни жуда ўринли, деб биламан.

Қолаверса, “Турон” кутубхонасида жадидчиликка оид ноёб китоблар жамланиши, йўқолиб бораётган вақтли матбуот нашрлари кўз қорачигидек асралиши мумкин. Ушбу жадид кутубхонаси ташкил бўлса, назаримда, бу ҳам тарихий адолатни қайта тиклаш йўлидаги бир дадил қадам бўлади.

“Турон” жадид кутубхонаси чин маънодаги халқаро зиё масканига айланишига ишонаман.

Вазира СОБИРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ

Янги ташкил бўлган “Жадид” газетасининг илк сонидан жой олган турли мавзудаги мақолаларни ўқиб, бой таассурот олдик. Жумладан, адабиётшунос Олимжон Давлатовнинг “Байрам кимники?” сарлавҳали мақоласи муаллифининг асосли фикр-мулоҳазалари, ишонarli факт ва далиллари билан газетхонларда катта қизиқиш уйғотгани шубҳасиз.

Яқинда нишонлаганимиз — Янги йил байрами, унинг тарихи, тақвим (календарь)нинг пайдо бўлиши омиллари, мусулмон давлатларида янги йил байрами нишонланганидан саналар, бугун-

ги кунда энг мукамал саналандиган григориан тақвими каби кўпчиликни қизиқтирадиган мавзулар ушбу мақолада батафсил шарҳланган.

Муаллиф Янги йил байрамининг илмий асосларини баён этаркан, мазкур байрам дунёвий характерга эгаллигини, “...григориан тақвими дастлабки диний мазмунидан анча кенгайиб, вақтни тизимлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи умумжаҳоний механизмга айланган”ини таъкидлайдики, демак, бу байрам барчамизникидир.

Гулчеҳра МАНСУРОВА



Жадидчилик нима?

Уни нега ўрганиш керак?

Бошланиши 1-саҳифада

Шундай қилиб, XIX аср охирида ва XX аср бошларида Туркистонда “жадидчилик” ёки “миллий уйғониш даври” бошланди. Профессор Бегали Қосимов бу давр хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келган эди: “Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда, мустақилликка эришиш, мустамаккачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсад-вазифасини ташкил қилар эди”.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида келиб жамиятнинг энг илғор фикрли қатламлари курашларини акс эттирган миллий уйғониш муайян мафкура сифатида, биринчи навбатда, маърифатчиликда кўринди. Ана шу мафкура

рий, Ҳамза, Авлоний, Айний кабиларнинг махсус дарслик ва мажмуалари тайёрланиб чоп этилди.

Жадидлар маслагининг амалга ошувида мактаблардан кейинги асосий ўринни матбуот эгаллайди. “1904 йилда рус-япон уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз (жадидлар – Ш.Р.) сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилиди”, деб ёзган эди Абдулла Авлоний.

Дарҳақиқат, 1905 йил рус инқилоби ва унинг таъсирида, кейинроқ подшоҳ



Шухрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор

ради. “Матбуот ишлари Тифлис кўмитаси цензори руҳсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида кўйиш мумкин”, деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

“Падаркуш”нинг нашрдан чиқиши том маънода ўзбек миллий театрининг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзида ёқ Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланади.

“Падаркуш” илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йил 15 январь куни Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида намойиш этилади ва жуда катта муваффақият қозонади. “Падаркуш”нинг илк муваффақияти бутун Туркистонга ёйилади. Кетма-кет барча йирик шаҳарларда саҳналаштирилади.

Театрдан бирламчи мақсад янги, гоёт таъсирчан санъат тури билан миллатнинг маърифий-маданий савиясини кўтариш, илм ва ўқимокқа даъват этиш бўлса, иккинчидан, таъкидлаганимиздек, театр-томошалар воситасида муайян маблағ топиб, “усули савтия” мактаблари, бошқа хил ўқув юртлири, хайрия жамиятлари, матбуот ва бошқа маданий ишларга моддий ёрдам кўрсатиш эди.

“Турон” номини олган Тошкент театр труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асарлари қатори миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам саҳналаштириб боради. 1915 – 1916 йиллар давомида Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз кўёв”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, Ҳожи Муъиннинг “Мазлума хотун” пьесалари труппа репертуаридан жой олади. Таъкидлаганимиздек, шу йиллари ўз миллий режиссёрларимиз ҳам етиша бошлайди. Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов кабилар бу соҳанинг илк қалдирғочлари бўлди. Авлоний ўз “Таржимаи ҳоли”да “...бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳазирлов эди”, деб айтганди.

20-йилларнинг ўрталаридан жадидчилик идеологияси ва намоёндаларини маънавий тазйиқ қилиш кучайди. Аввал матбуотда мунозарардек бошланган жараён расмий тус олиб, сиёсий ёрлик ёпиштириш билан якунланди. 1927 йилда жадидчиликка совет идеологиясига қарши аксилиниқлибий ҳодиса ва ҳаракат, деб расман сиёсий баҳо берилди. Намояндлари “зиёли” эмас, “зиёнли” деб қораланди. 1929 йил ўрталаридан эса уларни жисмоний таъкиб этиш бошланди. Мунавварқори Абдурашидонов, Убайдулла Хўжаев, Салимхон Тиллахонов, Саидносор Миржалилов, Қанюм Рамазон кабилар ҳибсга олиниб, сургунга маҳкум этилдилар. Бирор тасодиф ва айрича сабабларга кўра таъкибдан омон қолганлари маънавий тазйиқ ва таҳдидлар хавфига совет идеологиясини қабул қилиб, шу позицияда фаолият кўрсатмоққа мажбур бўлдилар. Аммо бу ҳам кўпга бормай, 1937 йилнинг умумиттифоқ қатағон компаниясида батамом барҳам топди. Жадидчилик ҳаракатининг ҳар қандай кўриниши сўнгги вакиллари билан бирга буткул тугатилди.



ранинг жарчилари бўлган жадидлар эса кенг миқёсда амалий фаолият билан ўз ёғларининг жамият ҳаётида қарор топиши, мустақамланиши ва охир-оқибат улар кўзлаган миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу бутун Туркистон халқининг ижтимоий-сиёсий тафаккури тараққиётида янги бир босқич эди.

XX аср бошларига келиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб “усули жадид” мактаблари очилди. Бу хайри ишини ташаббускорлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурӣ, Сиддиқӣ-Ажзий, Мунавварқори Абдурашидонов, Абдулла Авлоний, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Лутфулла Олимий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби атоқли зотлар эди.

“Усули жадид” мактабларининг очила бошлаши уларни алифбо ва бошқа ўқув қўлланмалари билан ҳам таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Самарқандлик маърифатпарвар Ҳожи Муъин ёзади: “1901 йилдан эътиборан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Туркистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан (тақлидий суратда) бир дорожа кўпайган бўлса ҳам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, фақат баъзи тузуқлари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди”. Бу вазифани ҳам янги мактаб ташаббускорлари ўз зиммаларига олдилар. Туркистон жадидлари бирин-кетин “Устоди аввал” (Саидрасул Саидазизий), “Адиби аввал” (Мунавварқори Абдурашидонов), “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” (Абдулла Авлоний), “Тахсил ул-алифбо” (Абдувахоб Ибодий), “Раҳбари аввал”, “Таъзиб ус-сибён” (Садриддин Айний) каби алифбо ва дарсликлар ёзиб, нашр қилдирдилар. Нафақат алифбо, айни чоғда ҳисоб, жуғрофия, тарих, имло қоидалари, ислом дини тарихи, она тили ва адабиёти каби алоҳида предметлар бўйича ҳам Бехбудий, Фитрат, Ашуралӣ Зоҳи-

Николай II томонидан 17 октябрда эълон қилинган манифест Туркистон тараққиқпарвар зиёлиларининг фаолиятлари кенгайтишига биров имкон берди. Манифестдаги айрим демократик ислохотлар, яъни шахснинг дахлсизлиги, виждон ва сўз эркинлигидан фойдаланиб, миллий газеталар чиқаришга расмий руҳсат олинди: шу заминда жадидларнинг “Тараққий”, “Хуршид” (1906), “Шухрат”, “Тужжор” (1907), “Осиё”, “Самарқанд” (1913), “Садоий Туркистон”, “Садоий Фарғона” (1914) газеталари, “Ойна” (1913), “Ал-ислоҳ” (1915) каби журналлари дунё юзини кўрди. Миллий матбуотимизнинг бу илк намуналари турлича тақдирга эга. Аксарияти бир неча сонлари чиқиб улгурмай, хурфикрлиги учун ёпиб қўйилди.

Минг йиллик анъанавий йўсиндаги адабиёт ўрнига янги, замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ҳатто янги адабий тил шакллана бошлади. Матбуот билан бирга турли соҳаларни қамраб олган публицистика, адабий танқид пайдо бўлди. Баъдий ижодда “жанровий” инқилоб содир бўлиб, бармоқ вазидаги ижтимоий, маърифий шеърят, рўмон, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Янги адабиётнинг Бехбудий, Сиддиқӣ-Ажзий, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сидқӣ Хондайлиқӣ, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Нозимахоним, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермухамедовлар, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла-Миллий, Хуршид, Чўлпон каби ўнлаб намоёндалари етишиб чиқди.

XX асрнинг 10-йиллари Туркистон маданияти тарихига янги ўзбек миллий театрининг ҳам вужудга келиш даври бўлиб кирди. 1911 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли” номли “3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа”сини ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечди. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисидаги цензорга юборилиши нашр учун имкон бе-

АНЖУМАНДАН СЎНГ

Қадим Шарқда азалдан ҳукмдор қабулида ҳозир бўлмақнинг маълум тартиб-қоидаларига амал қилинганини биламиз. Яъни ҳузур муборақда беизн сўз айтилмаган – сўралгандагина аниқ, мухтасар жавоб қилинган; бунда ҳар хил тама ёки ивво аломатлари аралашса, тегишли йўсинда жазога мустаҳиқ этилган. Албатта, бандаси хом сут эмиб катта бўлганки, унақа ҳолатлар ҳам кам учрамагандир. Бироқ биз ҳозир муддаомиздан йироқлиги боис, ул хусусда сўз юритмоқдан тийиламиз.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!

Бугун бошқа замон, раҳбар билан раият ўртасидаги муомала-муносабат хийла эркин, демократик, ҳатто дўстона бир тус олган. Бугун ҳар ким мажлис-маросимда сўз олиб, дилидагини эмин-эркин баён қилиши, зарур келганда “катта”нинг фикрига асосли эътироз билдириши ҳам айб саналмайди ва бунинг учун бирон бир кишига зиён етмас, гоҳо эса ана шу дадиллиги учун раҳбарнинг олқиш-эътиборига сазовор бўлгуси.


Яширмайлик, давлат бошлиғи қатнашадиган катта йиғинлар олдидан кўпинча айрим эҳтиёткор ходимлар сўзга чиқадиган кишига “ғоявий ишлов берди” – нимани айтиш керагу нимадан “қайтиш” кераклиги хусусида. Биз бу тартибни хошақалло бекор қилиш тарафдори эмасмиз, раҳбарларнинг вақти зиқ бўлади, мавзудан ташқари ҳар хил луқмалару бехуда сўзамоллик билан уларни банд этиш ододдан эмас. Бир кун келиб сўзловчиларимиз ҳам, тингловчиларимиз ҳам махсус “муаллим”ларсиз гапнинг маром-меъёрини билиб олар, шунга мувофиқ гўфтугў қилинар, лекин ҳозирча...

Янги йил арафасида ўтказилган маънавиятчи ва маърифатчиларимизнинг катта йиғинида биз бунга амин бўлдик. Кенгаш раиси ҳисобланган Президент Шавкат Мирзиёев маърузасини якунлаб, қатнашчиларга сўз бераркан, бояги “муаллимчилик” тажрибасидан хабардор эканини айтди, бугун шу тартибдан воз кечиб, хоҳлаган одам сўзга чиқиши, кўнглидагини баралла баён қилиши мумкинлигини таъкидлади, анжуман аҳлини очликка, дадилликка даъват этди.

Аввало шуни айтилики, давлат раҳбарининг муфассал маърузасида маънавий-маърифий ҳаётимизнинг барча муаммолари тилга олинди ҳисоб, ҳар томонлама таҳлил қилинди, ечим ва истиқболлари бир-бир кўрсатиб берилди. “Жадид” аталмиш янгича газета, улуг аждодларимиз номида халқаро мукофотлар таъсис этиш, ноширларга солиқ имтиёзлари, музейлар, театрлар таъмири, маошлар масаласи, дегандек...

Бундай олганда, кун тартибидаги масалалар ҳал, изоҳ-изҳорларга ҳолат йўқ эди. Қоида бўйича эса, анжуман аҳлининг олдидан ўтиб, уларга-да сўз бермоқ лозим. Бу ёғи, сўз олган музаққирлар ўртага қўйилган вазифалар юзасидан аниқ-дунда фикр билдирса кифоя. Қаёқда дейсиз, бир-икки нотқиқни истисно қилганда, ҳамма ўз дардига тушиб кетди. Дарди – юксак назарга илиниб қолиш, “мен ҳам борман, ҳалиям борман”, баҳонада аравасини юргизиб олиш, тўймас илинж, ошқора тама... Бунга ўхшаш катта-кичик йиғинларда қатнашиб кўрган одам – шахсан мен хижолатларга чулғаниб ўтирдим...

Тўғри, маърузада акс этган масалалар бўйича фикр билдириш, уни қўллаб-қувватлаш ва кўрсатилмаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этиш, ҳатто унча-мунча лутф қилиш ҳам айб эмас, албатта. Аммо гапирган гапимиз бошдан-адоқ ҳамду санодан иборат бўлса, боз устига унда риёкорлик манаман деб турса, ишни юриштиришга доир бирор жонли фикр ўртага ташланмаса... Маънавият ва маърифатнинг чин ҳомийси сифатида бағрикенглик қилиб, кўн-



Эркин АБЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

гилда борини баралла сўзламоққа қайта-қайта даъват этиб турганига қарамай, эсли-хушли мардум давлат раҳбарининг ҳар дақиқа вақти ҳисобли эканини ҳис этмоғи даркор. Бундай чоқда масала ҳар қанча мураккаб бўлмасин, айтилаётган фикр имкон қадар қисқа ва лўнда ифода этилмоғи лозим. Қаранг, ён-верингизда ўтирганлар ҳам содда-аноий эмас, ҳар бири ўз соҳасининг билимдони, пири дегулик! Улар қолиб (балки турли андиша билан), айнан сиз сўз сўрадингизми, марҳамат, эл-улусга манфаатли бирор гап билан ўзингизни кўрсатинг, таҳсин айтилик!

Бундай чучмаллик, юмшоқсупругилик ёши катталаримизга кечаги замондан илашиб келаётган иллат-да десангиз, бугунги ёшлар-чи?! Қаторлашиб сўзга чиққан бир талай ука-сингилларимизнинг ўқтам ва бийрон хитобларию чиранишларини (ҳа, шундай, бошқа ифода йўқ!) кўриб, улуг шоиримизнинг пушаймонлиқка тўлиқ надоматли сатрлари ёдга тушиб кетади:

Энди сен боболар шавкатига боқ,
Актёрдек сохтакор шавқларга

тўлма.

Мен ҳаёт кўлида бўлдим ўйинчоқ,
Бахтсиз яшаб ўтдим,

сен бахтсиз бўлма.

Президент нутқининг аввалида бесаранжом замонда яшаётганимиз, бу кўнча дунё ҳамон зўру зар ўртасида талаш экани, айниқса, сўнгги кунларда озгига кучи етмаган айрим “ватанпарвар” нусхалар ўз юртининг ҳолига боқмай бошқа юрталарга эгалик даъвоси билан чиқаётгани борасида фикр юритиб, шундай нозик ва қалтис дамларда зиёлиларимиз бирдам ва маҳкам турмоқлари зарурлигини таъкидлади.


Ажабки, минбарга чиққан воизларимизнинг бирортаси ана шу муҳимдан-муҳим, ҳаёт-мамонт дегулик масалани лоақал бир эслаб қўймади. Бизнингча, кун тартибидаги энг долзарб мавзу шу эди. Хўш, ўзинг-чи, ўзинг нега мум тишлаб ўтирдинг дейишлари мумкин. Айбимиз бўйинда, ҳар маъно истиҳолалар гирдобиди биз ҳам мажлисонани тўлдирган кўпчилик қатори томошабин бўлиб ўтирганимиз рост. Бунга энди оқлов топиб бўлмас!

Хўш, шундай қилиб, каминангиз эркин минбар – минбар эркинлигига қаршимми? Зинҳор-базинҳор, йўқ! Ниҳоят айтмоқчи бўлганим – катта минбарлар сари йўл олганда миллион-миллион қоракўз элдошларимиз, келажак бизга кўз тикиб турганини унутмасак бас! Чинакам инсоний бурч-масъулият деганимиз ҳам, миллий гурур деганимиз ҳам ана шунда юз кўрсатади.

Илмсиз миллат, қавм асир ва заиф қолур.
Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунё-
дорни ҳаёти йўқ.

Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ





БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ — ЗАМОНАВИЙ ТЕАТР ЖАДИДИ

театр, адабиёт, санъаткор шахси, санъат ҳамда ижод тўғрисида

келиб-кетаётган йўловчилардан бир гуруҳи. Келади-кетади... Балки кетиб тўғри қилар. Ўзи учун афзалроқ йўлни топар. Йўллар кўп. Лекин шахсни Шахс қиладиган йўллар боши берк кўчалардир. Чиқиб кетишинг учун тайёр йўл йўқ бўлган вазиятдагина дунё сен учун ўз сир-синаотини очади. Ва шунда ўзингни англай бошлайсан.

Биласизми, юмшоқ ўрин руҳни ланж, қалбни мажруҳ қилиб ташлайди. Тунунтириб беролмайман, актёрлар ҳаёти, умуман, ижод одамларининг яшаш тарзи қизиқ-да. Ўзининг ҳаёти абгор, оиласи ғурбатхона, хўрланган, алданган, шунча ғами етмагандай, яна Ҳамлет ё Дездемонанинг изтиробини ўйлайди. Бу ғавғоларнинг сенга нима ҳожати бор, дейсиз. Ўнқир-чўнқир бўлса ҳам, барибир, санъаткор гўзал ҳаёт кечирилади. У шу ҳаётнинг ўзидаёқ ҳам Ромео, ҳам Отелло, ҳам Ричард, ҳам Цезарь... Гарчи фожиавий бўлса-да, бир қанча тақдирни яшаб ўтади. Ўзининг ҳаёти, бахтсизлиги улар қисмати олдида зарра бўлиб кўринади. Оддий одамлар эса фақат ўз ҳаётини яшайди.

Истеъдод ва истеъдодсизлик

Истеъдодсизлар ўз йўлини топиб олаверди, сиз истеъдодни химоя қилинг, асранг, деган фикрда катта ҳикмат бор. Чунки истеъдоднинг тугилган мушти бўлмайди, кўнгли жуда бўш бўлади. Шу учун истеъдодли одамлар ҳамisha бой бериб келишган.

Гўзалликнинг иродаси мўрт. Курашувчанлик — эзгулик учун мисоли бир бегона ўт. У бу дағалликни ўз бағрига сиғдирибмайди. Истеъдод эгаси одамлар билан эмас, асосан, ўз хаёли, ўзлиги билан банд. Унга орзусидаги мукамалликка интилишига ҳалал беришмаса бўлди. Бу мукамалликни истеъдодсизлар ўз даражасида — карьера, шон-шўҳрат, обрў-эътибор ва яна алламбало, деб тушунишади.

Чин истеъдод эса фақат битта манзилни кўзлайди — ЕТУКЛИК! Яъни шамоллару алангаларга қилт этмасдан, тик туриш санъати. Ўзингни топиш йўлида эса қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ниҳоятда кўп. Атрофдаги одамлар, муҳит бор кучи билан инсоннинг инсон бўлишига ҳалал беради. Нафс, ҳасад, назари очлик каби қора туйғулар ўзингни англашга йўл қўймайди. Қолаверса, ич-ичингдан юксалишингга ёлғиз ўз кучинг етмайди. Бунинг учун, албатта, атрофингда сени тушунадиган, хайрихоҳ одамлар бўлиши даркор. Шарқ мутафаккирларида шундай фикр бор: "Искандар замони бўлса ҳам пирсиз юрма!".

Яъни одам бўламан десанг, олдинда маънавий раҳнамонг бўлиши шарт.

Истеъдодлилар ҳақида

Эмишки, Сукрот "у ёқда Арасту билан учрашаман", деган ўйда ўзига олиб келинган захарни пайсалга солмай ичган экан. Яъни ажал — Сукрот учун гўё Арасту эшигини очиб берувчи бир йўл. Донишманд дийдорига етишиш олдида оғу ҳеч нарса эмас! Устозим Тошхўжа Хўжаев айтди: "Агар сен Алишер Навоий, Шекспир каби ижодкорларга ўтмиш шоирлари ё мозийдаги бир одам деб қарасанг, улар чинданам, олисдаги бир афсона бўлиб қолаверди. Уларни замондошингдек қабул қил. Гўёки сен ҳозир шу зотлар билан учрашасан, гаплашасан...". Шундагина улар бизни ҳам ўзиники қилиб олади.

Қўяётган спектаклимни шу сиймолар кўрганда нима дер экан, деб ҳаёлдан ўтказсанг, иш умуман бошқача тус олади. Ўйлашимча, шоирлар "агарда шеъримга Навоийнинг кўзлари тушганда у киши не дер эдилар?", дея истихоло қилганида эди, қанчадан-қан-

Асл санъат эгалари

Санъат аслида хосларники, у ҳеч қачон омманики бўлмаган. Асл театр тарбия кўрган, ўқимишли, санъатни тушуниб қадрлайдиганлар учун муҳимроқ. Театр тарбиялайди, дейишади, бу — ёлғон! Театр тарбияламайди. Ҳеч қачон китоб ўқимаган, музейга бормаган одамларни зўрлаб театр-га олиб келиб бўлмайди. Улар санъатнинг кадрига етишмайди. Чунки унинг моҳиятини тушунамайди. Шунинг учун ҳам Лениннинг санъат халқиникидир, деган шорнамо гапи ҳақиқатдан мутлақ узоқ. Афкор оммага санъат эмас, биринчи ўринда нон керак. Уларга санъатнинг сояси ҳам кифоя.

Ҳақиқий баҳо

Воқеаси ҳаммага маълум, ўта жўн сериаллардаям томошабин йиғлайди. Ҳар битта одамнинг йиғиси бурнининг учиди бўлади. Агар овозни баланд кўтариб "Онажон, нега бизни ташлаб кетдингиз!" деб бақирсам, йиғлайдиган одам йиғлайверади. Чунки ҳар кимнинг юрагида ўзининг "Она!" де-

Тиётр ҳар бир миллатнинг ямон урф ва одатларини йўқ қилмак учун, ўзини аҳволни тузатиш учун доқадургон ойинасидир.

Абдулла Авлоний



ча шеърлар, ёстиқдай-ёстиқдай китоблар ёзилмаган бўларди. Лекин ҳаётда бундай принцип билан яшашни ҳаммаям эплайвермайди-да! Нима бўлган тақдирдаям, Навоийларни ўзимиздан узоқлаштирмасдан, яқин дўстдек қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш керак. Чунки олам ҳали тугагани йўқ. Тўрт-беш аср дунё учун ҳеч нарса эмас.

Ижодий жараён жозибаси

Режиссёр учун спектакллар фақат репетиция давридагина яшайди. Репетиция режиссёрнинг умрига умр қўшади, муҳокамалар эса умрни қирқади. Гарчи премьералар ҳам репетиция ҳисобланса-да, лекин биз учун бу асарнинг ўлгани. Шунинг учун ҳам бир вақтлар одамлар Мейерхольднинг репетицияларига пул тўлаб киришган. Чунки жараён қизиқ.

якши одам бўлиши керак. Лекин бу қараш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Яқин ўтмишга назар ташлайлик. Ижодкор шахсиятининг ниҳоятда мураккаб эканлигини, улар ҳам ҳамма қатори ожиз кимсаллигини ўттизинчи йиллар даври яққол исботлайди. Шекспир Яғони ёзиши учун унинг ўзида Яғо бўлиши керак. Шундагина у яғолар руҳиятини теранроқ ҳис этади, очиб беради. Хасислик борасида ҳаммани ортада қолдирадиган Қори ишқамбанинг муаллифи Айний ҳақидаги гаплар ҳам бежиз эмас. Улар ўзининг иллатлари устидан кулиб ёзсалар, фожиаларидан йиғлаб ёзадилар.

Муҳаббат ва никоҳ

Жаҳон адабиётига назар ташласангиз, Ромео ва Жульетта, Тоҳир ва Зухро, Лайли ва Мажнунлар муҳаббатининг ҳеч қайсиси никоҳ билан яқунланмайди. Биз ҳамisha никоҳни муҳаббатнинг энг юксак кўриниши деб айтаемиз. Аслидаям шундаймикин? Висол муҳаббат учун тўйдан кейинги жаноза эмасмикин?!

Муҳаббат — жуда оғир туйғу. Бунинг масъулиятини елкага олиш ниҳоятда қийин. Инсонга Оллоҳдан рассомлик, ёзувчилик, қўшиқчилик истеъдоди берилганидек, сев-виш истеъдоди ҳам берилди. Сева билиш ҳам қобилият. Шунинг учун бу туйғу ҳаммага ҳам берилмавермайди. Инсониятни давом эттириш учун табиатан эркак ва аёлга қандайдир туйғу берилган, лекин бу муҳаббат эмас. Ҳақиқий муҳаббатлар насл қолдиришни эмас, комилликни ўйлайди. Жульетта билан Ромео икки соат ичида қариб кетадилар. Муҳаббат одамни улғайтириб, камолга етказди, аммо ниҳоятда тез қаритади. Чунки дунёда бошқа қиладиган иш қолмайди. Ҳамма маъною сир-асрорларнинг тагига етиб бўлишади. Бир-бирини кучли севган инсонлар бу заминда биргаликда бахтли ҳаёт кечиришлари қийин. Бунга атрофдаги ташқи кучлар, яғолар ҳалақит беради.

Ёш санъаткорларга...

Мен болаларнинг кўпроқ китоб билан дўст тутинишларини хоҳлар эдим. Билмасиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. "Қуръон"ни ўқиш учун ҳам катта илм керак. Агар китоб жавонингизда "Қуръони Карим" турса-ю, ўқилмаса, бу муқаддас китобни увол қилган бўласиз! Ҳадиси шарифдаям айтилган-ку, "Бешиқдан то қабргача илм изла!" деб.

Ҳар йили имкон қадар Шекспирни қайта-қайта ўқиб чиқишни хоҳлайман. Алишер Навоийни ҳар кун ўқиш керак, деб биламан. Ҳеч бўлмаганда бир газалини мутолаа қилиб мағзини қақиш шарт. Битта романни ўқигандек бўласан.

Ўзи дунёда ўн олтига сюжет бор. Навоий ва Шекспир буларнинг барисида қалам тебратган. Улардан кейинги ижодкорларнинг асарларида мана шу сюжетлар айланиб юради.

Учинчи кўз

Инсоният ҳеч қачон ўзгармайди! Ҳазрат Навоий ва Шекспирларнинг классиклиги шундаки, улар ўз асарларида одамдаги барча ҳиссиётларнинг ҳамisha яшашини исботлаганлар. Ягонинг қилмиши — ҳеч қачон ўлмайдиган қилмиш. "Отелло" трагедиясида қаҳрамонларнинг бари ўлади, фақат Ягогина "Мен яраландим!" дейди. "Ўлдим!" демайди. Шекспир уни "тирик қолдиради".

Ёмонликни, ёвузликни, фитнани фақатгина яралаш мумкин, холос. Уни ўлдириб бўлмайди. Одамзод қандай бўлса, ўшандайлгича қолади. Ҳаётдаги бирор-бир жоҳиллик янгидан йўлаб топилган жоҳиллик эмас. Жаҳолатнинг янгиysi йўқ. Ҳар бир ёзувчи эса ўзи билганича дунёнинг бир эшигини очади-да, ўша ердан туриб, "Ҳей одамлар, сизлар инсонсизлар!" деб уларга инсон эканликларини эслатади. Ҳаёт ҳақиқатларига нигоҳ ташлашга ундайди. Режиссёр эса уни ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб талқин қиладди.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, басират кўзини очмоқ керак. Бу — инсондаги ички кудратни акс эттирувчи пешонадаги учинчи кўз. Аслида, хиндларнинг пешонасидаги хол ҳам учинчи кўзни акс эттириш маъносига қўйлади. Бундай кўзга эга инсонлар қуш тилини тушунади, мўъжизалар яратади. Бутун оламни, табиатни идрок этади. Жаҳоннинг жони улар кўксига гупириб, олам билан бирлашади.

Аслида, бизнинг барча уринишларимиз, нигоҳимиз мана шу учинчи кўзни очишга қаратилган.

Иқбол ҚЎШАЕВА
тайёрлади

Санъат асарининг миқёси

Илм, ижод, умуман, гўзалликнинг поёни йўқ. Агар поёни бўлганида фақат битта одам "Ҳамлет"ни саҳналаштирарди. Бошқа режиссёрлар эса бу ҳақда бош қотирмасди. Лекин воқеаси ҳаммага маълум ўша ягона "Ҳамлет"ни юзлаб режиссёрлар яна бошқадан яратишади. Ҳар бири турли нуқтаи назардан ёндашади ва ўз Ҳамлетини кашф этади. Ёки Алишер Навоий газалларидаги битта байтнинг бир неча хил шарҳи бор. "Навоийни тушуниб бўлдим!" деган азамат бу дунёда бормикан? Ҳазратнинг ҳар бир газали ундан олдинги ёзган газалига жавоб бўлиб келади. Ва кейинги газали учун саволлигича қолади...

Санъаткор ҳаёти


Мен студиядаги болалардан самимий бўлишни талаб қиламан. Катта-катта ишлар қилиб ҳам ҳаётдан тамасиз, иддаосиз ўтган зотларга ҳурмат туйғусини уйғотишга уринаемиз. Бу болалар келажаги ҳақида олдиндан "Ҳа, улар ўзбек театрининг порлоқ эртаси, умидим чексиз..." деб айтолмайман. Улар — менинг кемамга

Дилором Каримова,
Ўзбекистон халқ артисти



ИЗЎОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ГАЗЕТАСИГА ҚУТЛОВ



Қардош Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ҳар бир муҳим ўзгариш бизлар учун ҳамisha хузурубаш ва қувонарлидир.

Боку шаҳрининг марказий кўчаларида ва проспекларида “ғизиллаб” учаётган Ўзбекистон автомобилларида, Озарбайжон шаҳарларининг дўконларию супермаркетларини тўлдирган Ўзбекистон нозу неъматларидан қанчалар фахрлансак, шу кунларда янги “Jadid” газетасининг чоп этила бошлаганидан ҳам шунчалар хурсанд бўлдик. XX асрдаги Туркистон ижтимоий-гуманитар тафаккурининг порлок юлдузлари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Исоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сиддиқий Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Тавалло ва унлаб бошқа илм-фан фидойилари жонажон Ватанининг худди бугунгидай Озод, Мустақил, Фаровон, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрнига эга обрўли мамлакат бўлишини орзу қилган эдилар. Туркистон жадидларининг Озарбайжондаги маънавий қавм-қариндошлари Жалил Мамадулизода, Мирза Алиакбар Собир, Абдурахимбек Ҳақбердиев, Насафбек Вазиров, Узейирбек Ҳосилбеков, Ҳусайин Жовид, Муҳаммад Ҳодий, Алибек Ҳусайинзода, Аҳмад Огаўгли ва бошқалар Озарбайжонда худди Туркистон жадидларидай, улар билан ҳамкорликда ўз ўртдошларини миллий-маънавий уйғонишга, она-Ватан тақдирини ўзгаришга чорлаган эдилар.

XXI аср Ўзбекистонда жадид болболаримизнинг эзгу орзу ва умидлари рўёбга чиққан, деб бемалол айтиш мумкин. Ишончимиз комилки, “Jadid” газетаси нафақат қардош ўзбек маданиятида, айти пайтда, турк халқлари адабий-маданий ҳаётида ҳам ўчмас из қолдиради. Юксак тараққиёт йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг жаҳоншумул доврўғини яқин-узқоқ мамлакатларга етказишда “Jadid” газетаси ҳам камарбаста бўлишига чин қалбдан ишонамиз. Хурмат-эҳтиром билан,

Низомиддин ШАМСИЗОДА,

Озарбайжон Республикаси Давлат муқофоти соҳиби, хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор,

Яшар ҚОСИМ,

Озарбайжон Миллий илмлар академияси, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти бош илмий ходими, филология фанлари доктори



Бахтиёр ВАҲОБЗОДА

Виждон

Икки йўлнинг ўртасида турганча,
Гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан кўрқаман.
Девдан эмас, пашшачалик кучи бор,
Ўзини дев санагандан кўрқаман.

Ул даргоҳда Ҳақ девони қурилгай,
Не топгансан, бари бир-бир сўрилгай;
Иддаоси бўйнимизга юк илган –
Авф этилган шараф-шондан кўрқаман.

Бу дунёдан бир умидим мезондир,
Мен кўрққан кас у мезонни бузгандир,
Тўқ кимсаннинг қутуриши ёмондир,
Очдан эмас, мен тўйгандан кўрқаман.

Ким ҳамкордир нафс деган шайтонга,
У тулурар ҳақиқату виждонга;
Ахир, виждон қиммат бергай инсонга –
Виждонидан кўрқмагандан кўрқаман.

Бир куни қишлоққа шаҳардан катта одамлар келди. Ҳаммани тўплаб, ажойиб мажлис ўтказди. Пахтакор сўзга чиқди. Чўпон гапирди. Ўрмончи сўз олди. Механизатор ва зоотехник ҳам қатордан қолмади.

Шаҳардан келган хурматли ўртоқлардан бири деди:

– Негадир сувчилардан вакил кўринмайди. Наҳотки шундай катта қишлоқда биронта ҳам илғор сувчи топилмас?

Нега энди илғор сувчи топилмас экан? Албатта, топилади. Ҳозир олиб келамиз. Дарҳол илғор сувчини қидириб кетишиди.

Қуриб қолган ариқдаги сув тегирмонига чопиб боришди. Хайрият, сувчи Куруқ Жаъфар шу ерда экан. Уни оёғини ерга теккизмай мажлисга олиб келишди. Катта одамлар унга:

– Сени табриклаймиз, ўртоқ Куруқ Жаъфар! Яхшиям, сен бор экансан. Келганингдан беҳад шодимиз. Бу ердагиларнинг

Алвидо


Дўстларим, умримнинг сафоси битди,
Тоққа кетдим, дала-тузга алвидо.
Кўзга туман чўқди, бошга қор ёғди,
Баҳорга алвидо, ёзга алвидо.

Сен ишқни ҳар замон муқаддас дединг,
Кунларга ёпишмоқ пуч ҳавас дединг,
Кўпни истамадинг, озга бас дединг,
Дерман: кўп йўқ эса, озга алвидо.

Энди томиридан узилган менман,
Ўрганган ошёни бузилган менман,
Энди на сен сенсан, на-да мен менман,
Энди биз бизмасмиз, бизга алвидо.

Бахтиёр, ярангдан оққан қон ҳар он
Сени кечмишингга боғлар ҳар замон;
Зулмат юрагингни ёғдулантирган,
Йўлингга шам тутган кўзга алвидо.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.



сувчи Куруқ Жаъфар – у бутун мамлакатга донг таратган, сизнинг қишлоғингизнинг фахри – жуда зўр гапни айтди. Сув – бу яхшилик аломати, деди у. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан. Сувнинг қадрини биласизларми! Сувчи Жаъфарнинг қадрини биласизларми! Сув – келажакдаги ютуқларимизнинг гаровиди! Сув — қоп-қора тунда порлаб турган юлдуз!

Сувчи Жаъфарнинг юлдузи ҳам ана шундай порлок. Унинг тажрибаси билан ўртоқлашиш учун Ўзбекистонга жўнатишди. Унинг шавқатли меҳнати ҳақида шоир Т.Тушунликов шеър ёзди, унга композитор К.Кўтаринкилов ажойиб музыка басталадики, бу кўшиқни Б.Булбулов мириқиб қуйламоқда.

Бир куни сувчи Куруқ Жаъфарни шаҳарга таклиф этишди. Самур-Дивичинский каналининг йиғирма икки йиллигига бағишланган катта митинг бўлди. Кутилмаганда

меҳнаткашлар!

Унинг нутқини давомли қарсақлар билан олқишлашди.

Сувчи Жаъфарни ўша ерда қора “Волга”га ўтказишдию, тўғри бошқа жойга – эски ҳаммомга янги тослар келтирилишига бағишланган митингга олиб кетишди. У машинадан тушиши ҳамоно минбарга бошладилар. Сувчи гапни ила кетди:

– Мисол учун бир стакан сувни олайлик... Николай замонида бойлар ана шу сув учун халқни қанчалар қийнаган... Айтиш мумкинки, халқ дарё бўйида-ю, аммо сувга зор эди. Тўғри, баъзан улар айрим жойларда ҳаммомлар қуришган, унга одамларни жалб этишни мўлжаллашган. Нима билан? Ҳаммомдаги сув биланми? Қаяқда дейсиз, гапирман деса, бу борада гап кўп, одамнинг калласига ақлли фикрлар ҳаммомда келади, деган нақл бор-ку, ахир. Бугунги шонли кунда, яъни эски ҳаммомга янги



НИҚОҲА

ҳаммаси гапиришди. Балки сен ҳам бирон нима дерсан, – дейишди.

Куруқ Жаъфарни минбарга даъват этишди. Сувчи шўрлик доврираб қолди: Нима дейди? Нима ҳақда гапирди? У шундай ҳажонланиб кетдики, оқибатда минбарда турган стаканни туртиб юборди, стакан чил-парчин бўлди, суви чор тарафга сачради.

Сувчи ўзини батамом йўқотиб қўйди. Зўрма-зўраки, титраб-қалтираб, деди:

– Ҳечқиси йўқ, сув – яхшилик аломати... У шундай дедию, минбардан тушиб, залининг бир бурчагига бориб ўтирди.

Мажлис сўнгидан шаҳардан келган хурматли кишилардан бири ажойиб нутқ ирод қилди. У жумладан бундай деди:

– Мен бир нарсани катъий таъкидламоқчиман. Янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор бермоқ керак. Илғор сувчиларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва кенг ёйиш зарур. Ҳозиргина бу ерда сўзга чиққан

раислик қилувчи сувчи Куруқ Жаъфарга сўз бериб қолди. Жаъфар нима дейишини, нима ҳақда гапиришини билмай, доврираб қолди. Аммо узқоқ ўйлаб ўтиришга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ, ҳамма унинг оғзига термулиб ўтирарди. Жаъфар атрофга – митинг иштирокчиларига бир сира кўз югуртириб чиқди. Шу маҳал минбарнинг бир чеккасида бир стакан сув турганини кўрди. Жаъфар йўталиб олди-да, бошлади:

– Мана, мисол учун, шу стаканни олайлик. Ота-болаларимиз сув идишга қуйилганда уни ичса бўлади, деб жуда тўғри айтишган, демак, мен ҳозир мана шу сувни олиб ичишим мумкин. Бироқ шу сув стаканда, айтайлик, уч кун туриб қолса, уни ичиб бўлармиди? Йўқ, албатта! Нега? Чунки сув бир жойда узқоқ туриб қолса айнийди. Шунинг учун каналлар қазиишди, токи сув бир жойда тўхтаб қолмай, доимо оқиб турсин. Яшасин, мана шу канални қазиган хурматли

тослар тушириладиган тантанада мен сизларни чин қалбимдан табриклайман!

Митингдан сўнг сувчи Жаъфардан телевидение орқали сўзлашини илтимос қилишди. Куруқ Жаъфар деди:

– Яхши, маъқул. Мен розиман. Фақат бир шартим бор: менинг олдимга бир стаканда сув қўйинлар.

Бир соатдан сўнг Куруқ Жаъфар зангори экран орқали нутқини бошлади:


– Ҳурматли телетомошабинлар! Мисол учун мана шу бир стакан сувни олайлик...

Шундан кейин сувчи Жаъфар бир ҳафта давомида турли йиғилиш ва митингларда нутқ сўзлади.

Пионерлар билан учрашувда бундай деди:

– Азиз болалар! Халқнинг мақолини сира эсдан чиқарманлар – йўл бошлаш каттадан, сув ичиш кичикдан.

Зоотехниклар кенгашида сўзга чиқиб



Марварид ДИЛБОЗИЙ

Шодлик ичиди бу олам,
Надир кўнглимдаги бу ғам?
Найлайинки, мен бахти кам,
Дард не билман ҳамон.

Ғам эгди мағрур бошимни,
Топмадим сирдошимни,
Селга айланган ёшимни,
Ўзимдан айро билмасман.

Сахрода усган бир гулман,
Фасли қуруқ ўтган йилман,
Истайдурман сансиз ўлсам,
Найлайин ўла билмасман...

Дилбар ҲАЙДАРОВА таржимаси.



АНАР

айтдики, сувга ҳавас қилган — чанқоғини қондиради, отга ҳавас қилган — оёғини толдиради.

Астрономларнинг илмий конференциясида у ажойиб илмий фаразни илгари сурди: сув – рангсиз, ой эса думалок. Бадий таржима проблемаларига бағишланган конференцияда ҳам иштирок этди. Бу муътабар анжуманда сувчи Жаъфар шундай оригинал фикр айтдики, ҳамма ёқасини ушлаб қолди: “Қудуқ табиий равишда ўзи сув бериши керак, аввал пақирда сув қуйиб, кейин сув олинадиган қудуқларнинг бахридан ўтиш зарур”.

Бир журналиста берган интервьюсида ижобий қаҳрамонга нисбатан ўз муносабатини тубандагига баён қилди: “Тинч оқар дарёнинг таги шиддатли бўлади”.

Бир куни жуда катта мажлис очилди. Дарҳол Куруқ Жаъфарга сўз беришди. Энди Куруқ Жаъфар олдинги Жаъфар эмасди, яъни тортиниб, гапни йўқотиб қизариб-бўзариб ўтирмади. Минбарга дадил, шахдам қадамлар билан чиқиб борди. Икки қўли билан минбарнинг икки томонидан ушлади, салобат билан залга разм солди. Томоғини бир қоқиб олди-да, вазминлик ила бошлади:

– Мисол учун мана шу бир стакан... – Жаъфар бирдан тутилиб қолди. Тили калмага келмай довриради. Юзлари шолғом бўлди. Гап шунда эдики, унга нисбатан алоҳида хурматнинг ифодаси сифатида минбарнинг бир чеккасига одатдагидек сув эмас, бир стакан чой қўйилганди. Сувчи Жаъфар бу қийин ҳолдан чиқиб кетиш учун ўзича деди: – Сув... чой... арпачой... кўкчой... қора чой... Умуман айтганда... мен сувга чўкиб кетдим...

Анчадан бери сувчи Жаъфарга ҳасад аралаш ҳавас қилиб юрган чойхоначи Жамил ўн учинчи қаторда ўтириб, рақибининг ахволини диққат билан кузатарди. Охири у чидай олмай, ўтирган жойидан бақирди:

– Ҳа, азиз дўстим, нима бўлди? Дарёга фақат калпоғинг оқдимми ёки бошинг ҳам оқиб кетдимми?

Шу кундан эътиборан сувчи Куруқ Жаъфарнинг порлаган юлдузи сўна бошлади. Чойхоначи Жамилнинг юлдузи эса кундан-кунга равшанроқ бўлиб бораверди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

таржимаси.



ЮРТ ҚАЙҒУСИ



Мунавварқори
АБДУРАШИДХОНОВ

ТИЁТР — УЛУҒЛАР МАКТАБИ

(1914 йил 27 февралда Тошкандда «Қолизей» театри биносида «Турон» труппасининг расмий очилиши муносибатида сўзланган нутқ)

Жамоат!

Сиз хурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат қилиб, қаршуларингизга чиқдим. Бу хусусда маним густоҳона ҳаракатимни афв этмаганингизни ожизона рижо қилурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, ҳолис Туркистон тилида ҳануз бир тиётр ўйналмағонлиги барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз тиётрга, эҳтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби, деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдуки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр қилмоққа ҳаракат

қилур. Биноаналайқ тиётрни бузуқ ахлоқ касалларининг энг ёқимли давосига ўхшатган киши ёлғончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр саҳнасида чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига киргон зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолиндадурлар. Бунлар аччиқ романларни ширин даволари ила халққа едирурлар ва аччиқ насиҳатларни сучук сўзлари ила халққа эшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак? Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлуб тургон русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яхудийларга ва бошқаларга, кўб узоқ кетмайлуқ, энг яқин кўшниларимиз

фойдалари ҳозирда кўринмақда бошлади. Қофқозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шуъбалари ташкил топди, буларнинг энг машҳурлари Бокуда «Нажот жамияти»-дурки, бу жамият тиётр воситасила Қофқоз халқининг ахлоқини хийла ислоҳ қилди, ғафлатдин уйғонтирди, тараққий ва маорифга ҳавасларин ортдирди. Ҳозирда тиётр воситасила ҳар йил мингларча ақча жамъ қилур. Юзларча мусулмон фақир ва ожизларга ёрдам берур. Қўлидан келгунча миллатининг номуи ва обрўсини ҳифз қилур ва шаҳарнинг атрофида бўлгон қишлоқларда ўттузга яқин мактаблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим қилур. Юзларча миллат болаларини тарбия

на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлгон бузуқ одатларни йўқ қилмоққа ҳаракат қилмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлгон жамиятимизни ва фақирликдин инқирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлиғига саъй ва кўшиш қилмаймиз?

Бизим Туркистон мамлақати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз?

Мана, кетба-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлик ва дунёдин хабарсизлик балосидан кутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлиғини билмак ва ўрганмак керақдур.

Бас, бизга бу билдурғувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр саҳнаси дур. Сония онларни тарқ қилмак керақдуки, они тарқ қилдирувчи яна жамият ва тиётр воситасила очилгон мактаб ва мадрасамиздур. Шул сабабли ҳимматли ёшларимиздан ва ҳимматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масхарабозлик кўзила боқмасдан, миллат ва ахлоқ жиҳатидин энг ибратли бир манзара ва улуғлар учун очилгон фойдали бир мактаб назари ила боқмоқларини ожизона арз ва истирҳом қилурман.


«Туркистон вилоятининг газети»,
1914 йил, 2 март

қилуб, ўқитуб, ҳақиқий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонга чиқарур.

Модомики, бизим энг яқин кўшниларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлгон тоторлар ва Қофқоз мусулмонлари бу тариқа тараққий ва тамаддунга қадам қўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасила ўз миллат ва ватанларини бунча хизматлар кўрсатдилар. Биз, туркистонликлар

Кимки ўз инсонлик даражасини асл ҳолатидан тараққий қилдирса, бу унинг инсонийлик оламини киршидир. Ҳақимлар уни ИНСОН атаганлар.

Абдурауф ФИТРАТ



ГҶЗАЛ ЁЗГИЧЛАР

УМИДГУЛИ БИЗИМ УЧУН



Абдурауф ФИТРАТ

Юрт қайғуси

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керақдир? Номусми, виждон била имонми керақдир? Темур била Чингиз қони тошди томримиздан, Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керақдир? Ёв суғала келгач қиличини юрагингга, Туш олдиға, ол кўксуми — қалқонми керақдир? Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди, Турон ёвини кувғали тўфонми керақдир? Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға, Юрта қоровул қўйғали арслонми керақдир?

Ўғит

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзунда Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим. Уйлашингда, туришингда ҳамда ўзунда Бу юрт учун кутулишининг борлигин кўрдим. Турма — югур, тинма — тириш, букилма — юксал, Ҳуркма — кириш, кўркма — ёпиш, йўрилма — кўзғал. Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт. Қилолмасанг шу ишларни, Сенинг учун хўрликдир бу... Йиқил, йўқол, кет!

Беҳбудийнинг сағанасин излади-и

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи, Ўксузлик бойкуши қанот қоқарди. Ботувда қизариб турган булутдан Эзилган кўнглима мотам ёғарди. Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели Армоним гулидан бир япроқ узуб, Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди. Ул нозли япроғим сўлиб, сарғайиб, Йўқсул қолганлардай ҳар ён югурди. Золимлар, мазлумлар, зулумларнинг-да, Қайғулар, аламлар, ўлумларнинг-да Барига учради, барчасин кўрди, Ўз йўқотқонин излади, сўрди. Бир дарак топмағач, бирдан бир тикилди. Бор кучин тўлади. Золимнинг тахтини титратган бир товуш Қичқирди: — Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?! Бот сўйла!... Кири тож кўб кўрқди ботур товшидан, Сесканиб, титраб... ёшурнди Бир жавоб бермасдан.

Шоир

Бу кун йиғлаб ўтирмишдим, сен келдинг, Бир шоирнинг бир «сўзи»ни сўзладинг, Мен у сўзнинг руҳингдаги изларин Сенинг гўзал кўзларингда ўқидим. Ўқидуқча, у издан Ўзим учун кўб умидлар тўқидим. — Умидсизча яшай олма, нетайин. Эмиш... Шоир севгилисига ёзган Бир ёзувда қайғуларини тўкмиш, Сўзларининг энг охирида ондан Руҳи учун бир оз кўмак истамиш.

Биласанми? Шоир ишқнинг энг нозли, Эрка, инжиқ ёғдусидир, турулмас Маъшуқидан кўрмаганча кулушли, Марҳаматли, чин сезгули бор кўмак, Мана шудир унинг учун бор тилак. Шоир Табиатдан сирли, теран маънолар, Тириклик-чун очик, тўғри, чин йўллар Излар — топар, ўзи учун сақламас. Унларни Ёз гулининг япроғидан тўқилган «Сўз»лар илан ўраб бизга топширар. Шоир Ишқ боғининг тентак, сингирли, ёнган, Булбулидир. Башарият дунёсин Кичик, нозли қаноти узра қўяр, Кўклар сари юксалтқали талпинар. Мана шунинг уксуз, йўқсул кўнгули Кўтармак-чун, гўзалларга тегишдир. Ким озғина қарағайлар, кулғайлар Инграб турган жонини Қўллағайлар, бир оз кўмак эткайлар.

ЖАРИДА ВА МАЖАЛЛА



СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

Ўтган асрлардаги уламо ва шуароларимиз тарафидан турли лисонларда ва турли шеваларда жилд-жилд китоблар, рисоалар ва девонлар тасниф ва тахрир буюрилган бўлса ҳам, асри ҳозир уламолари орасида ҳануз суюб лаззат ва муҳаббат ила ўқуган киши кўрилмаган эди. Дуруст баъзи бирлари ўқур ва мутулаа ҳам қилурлар. Лекин ўқуб бўлар бўлмас унинг тоқчасига ташларлар. Андин мутаассир бўлмак ва соҳиби китобнинг маслақларидан воқиф бўлуб бахраманд бўлмак ва онинг мароминча амал қилмакка у қадр аҳамият бермас эдилар. Аҳодиси шарифа ва кутуби мутабарруқанинг ҳар тарафини диққат назари ила боқуб дини мубин ислом муҳофазаси ва бақойи миллат мақсади ила тааммуқ назар қилмаган зотлар ниҳоятда озлиқлари сабабли Туркистон аҳолиси орасида ҳадиси шариф ва удабойи мутақаддим каломлариди маънилари назарда тутуб ибратланмак каби мақсудларга ноил бўлмаганлар кўбдир. Ўтган азизлар ва салафи

солихийларнинг мақсадлари ила замони ҳозирадаги жариди ва мажаллаларнинг муддао ва маслақлари назари умумий тарафидан ҳақиқатан бирдир. Буларнинг вазибалари Курьони карим ва ҳадиси шариф мазмунига мувофиқ тарғиби илм ва маърифат, дин ва дунё маъмуриятини ўз лисон ва шеваси ила очуқдан-очуқ умум англариқ даражада баён қилмақдир. Ҳар ерда бўлган воқеаларни кишига таъсир қиладирган ва танбех берадирган хабарларни зикр қиладир. Хулоса: ҳар мажалла ва жариди ўз шева ва ўз маслағи ила олам муродига савқ қилувчи бир ходимдир.

Масалан Қозонда мунташир «Ад-дин вал-адаб» ила Оренбургдаги «Шўро» мажалласини олайлуқ. «Ад-дин вал-адаб» уламоий киром қоллариди шойистайи марғуб ва матлуб бўлуб, ояти Курьония ва аҳодиси шарифани тафсир ва таржимаси ила яна бир неча зарурияти диниядан боҳис бир мажаллаи муфидадир. «Шўро» эса

исмига мувофиқ бир руҳ ғазосидек маъноларни ҳовийдир. Афсуски, бизим Туркистонимиз аҳолисидан бир неча ададдан зиёдалари бунингдек мажаллалардан истифода қилмайдирлар. Ажаб! Аҳолимиз жариди ва мажаллаларни ўқумоқдан мунча ҳазар қилур эканлар, гуноҳдир деб шубҳалари борми? Байт:

Мажалла махзани ирфон, жариди мактаби фазл

Бу икки нақд гиронмоядан-да биз маҳрум.

5 инчи нумру «Садоий Туркистон»да икки-уч асарли хабарларни кўздан кечурдим. Наманганда жаноб Исҳоқжон афандининг хатна бобида урф-одатдан чиқмоққа қилгон жасоратлари ҳам масжид мактаб биносига қилган иқдомлари, қозихона жомеъ шарифида жаноб Тўраҳон афандининг жуманинг фарзидан илгари қилган ваъзлари ва Мирзо Ҳамдамбойнинг мадраса ёнида мактаб бино қилмоқ хабарлари...

Кўб муддатдан бери қўлларимиздаги кутуби муқаддасага амал қилуб уламоий киромнинг муҳим ваъзларини эшитган бўлсак эди. Ушбу кундаги разолатларга гирифторм бўлмагон бўлур эдук. Маним бу сўзларни ёзмақдан мақсудим: жаридадан хабардор кишилар кўб мутаассир бўлинув эканлар. Шул сабабли они таклифи ҳидоят учун бир ходим эканлиғига эътиқод қилуб кўброқ рағбат қилмоғларини муносиб кўрурман.

«Садоий Туркистон» 1914 йил 21-сон.

Нашрга тайёрловчи:
НОДИРА ЭГАМҚУЛОВА



МАСЛАКИ ТАРЖИМОН

Замонамизда турли маслак ва фикрлар пайдо бўлди.

«Таржимон» маслағи аксар халққа маълум бўлса-да, билмаган ҳам балки бордир.

«Таржимон» — ҳеч бир миллатнинг, ҳеч бир синфнинг, бой ё фақирнинг ҳақини инкор этмаяжакдир.

«Таржимон» — йигирма беш санадан бери миллатчи(миллатпарвар)дир... «Таржимон» — миллатни ҳар нарсадан қимматли ва муқаддас тутажакдир... Роҳат ва саодати миллат учун изланажакдир.

«Таржимон» — ҳар турли иш аҳвол ва ихтилофга «ҳаққоният» ва «мумкин-нат» жиҳатидан боқажакдир.

«Таржимон» — тавҳиди лисон (тил бирлиги), тавҳиди афкор (фикрлар бирлиги) ва маорифи миллия масалаларинда доимий ғайратда бўлажакдир.

«Таржимон» — ҳар на сўйлар ва ёзар эса, бу кунда миллатнинг англамаяғи, идрок ва қабул эдажаги суратда арз ва баён эдажакдир.

«Таржимон» газетаси,
1906, №62



ШЕЪРИЯТ

Ватан ~ юракларга берилган кенглик



Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон халқ шоири

Чўлпон

Бўлолмади "оқилу доно",
Ўтга отди аямай ўзни.
Шон-шухратдан кўрди у авло
"Озодлик!" деб аталган сўзни.

Синдиришгач гугурт чўпини,
Умри билан ёқди гулханни
Ва ҳилолга илиб дўппини,
Чиқиб кетди юлдуз тергани.

Файзулла Хўжаев хотирасига

Тарихнинг қоронғу йўлақларидан
Жилмайиб боради ёп-ёруғ инсон,
Шафқатқа ўхшаган куракларидан
Қотган қон шаклида боқадим замон.

Кўркамга кўкракнинг кураклари бу,
Хиёнат личогин жим кутиб олди.
Буюк Туркистоннинг эртақлари бу,
Қотган қон шаклида абадий қолди!

Ватан – юракларга берилган кенглик.
Кичқириб, чираниб,
кўкракка муштлаб,
Яланғоч шовқинга кўммайлик
номини.

Ватан – юракларга берилган кенглик.
Шивирлаб куйлайлик Ватан ҳақида
Навбахор куни
Пўстлоғидан кечган куртатқа ўхшаб.

Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида
Узоқ қиш туни
Оқ тонгни уйғотган эртаққа ўхшаб.
Шивирлаб уйлайлик Ватан ҳақида
Тилсим деб уни,
Фарҳодга айланган гўдакка ўхшаб.

Ватан – юракларга берилган кенглик...

Ҳос

Сен келмасдан дунё оқ эди,
Оппоқ эди барча нарсалар.
Кўнглим тоғу вақтим чоғ эди:
Лабда – кулгу, қўлда – қарсақлар.

Сен келдинг-у, бари қолиб жим,
Олачалоқ тушга айланди.
Бутун олам жо бўлган кафтим
Қил ҳам сифмас муштга айланди.

Сўнг мен содда, юмшоқ пайтларни
Кўмиб келдим олис томонга.

Олиб чиқдим қайсар байтларни
Замон деган кўҳна майдонга.

Оққуш эдим, ром этди қоя –
Мен бургутга айланиб қолдим.
Тоғ экансан, эй юксак гоё,
Юксакларга бойланиб қолдим.

Устоз Абдулла Қодирий ва
ундан аввал ўтган барча буюк
Абдуллоҳларга

Абдуллоҳлар жуда кўп ўтган
Бу дунёда мен ҳам Абдуллоҳ.
Улар менга ишониб, кутган,
Мен улардан қарздорман, Аллоҳ!

Жангномадир улар ҳаёти,
Матонатга исм ҳар бири.
Ботинида қолган фарёди
Бу оламда сирларнинг сири.

Улар тутди буюк кўксини
Юрту иймон ҳимоясига.
Ҳатто тарих боқар ўксиниб
Кечмишларнинг ҳикоясига.

Таъқиблару сурғуну зиндон...
Эрка ташна тиллар чўғланди.
Ҳайҳот, улар туғилган замон
Қатл ўқлари зимдан ўқланди.

Жаҳолатга қайралди тиллар,
Ҳукм аҳлининг фармони бажо:
Сўз товушдан айрилиб йиғлар,
Хўнграб йиғлар ҳар битта ҳижо.

Топтаб ўтди насру назмни
Гоҳо этик, гоҳоида туёқ,

Ёдга чизар улар расмини
Фожиадан қорилган бўёқ.

Йиллар ошиб, асрлар ошиб,
Тикилади менга ул кўзлар
Ва чиқар-у қалбимдан тошиб,
Ёриб ташлар қаламни сўзлар.

Ўртанади ичу ташларим,
Йиғлай бошлар шеърга томган ёш...
Сиз тинч ётинг, мен, адашларим,
Сиз учун ҳам кўтарганман бош!

Бедорлик

Янгила нар йил ҳар йил,
Биз эса – эски.
Қаримайди гарчанд тил,
Сўз эса – эски.

Эслатади қировни
Сочлардаги оқ,
Изласак бир-бировни,
Хотира – чироқ.

Оҳ, у кунлар, у кунлар
Сўзга кўчмайди,
Гулхан бўлган учқунлар
Кукка учмайди.

Энди юракмас, кўпроқ
Титрайди қўллар.
Тунлари қилар сўроқ
Ўтилган йўллар.

Гарчанд кўзни юмамиз,
Уйқу эса – йўқ;
Уйқу қочар – қувамиз,
Товонимиз чўғ.

Биз кўшиқлар тўқидик
Ёт оҳангларга;
Баъзан шеърлар ўқидик
Фирт гаранларга.

Ҳаммасидан юмиб кўз,
Унутай десак,
Дард ҳақида бошлар сўз
Бўялган кесак.

Кесаклар орасида
Тош бўлолмасмиз.
Яна қайта расида,
Ёш бўлолмасмиз.

Бу дунё ўзи нима? –
Билолмадик ҳеч.
Эвоҳ, биз чиққан кема
Сувга тушди кеч.

Терс кўйилган нарвондек
Ёпишмай томга,
Фурубади қарвондек
Борамиз шомга.

Гулни куйлайди олам
Чўлдан ясаб соз...
Лекин яхши гаплар ҳам
Кўп бўлгани рост.


Шукрона айтса бўлур,
Шукрона ҳам – бахт.
Юзимизга сочар нур
Ёруғлашган Вақт.

Ниҳоят насим қирар
Қувиб қайғуни,
Киприкка тутиб берар
Қочган уйқуни.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

МУЛОҲАЗА

ЭРТАНИНГ ҒАМИ...



Улжамол Хоннаева:

— Янги 2024 йилнинг дастлабки янгилиги –
"Jadid" газетасининг нашр этилиши бўлди. "Jadid"
барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Отбек Бакиров:

— Қайтадан ташкил этиладими, йўқдан бино
бўладими, муҳими миллий матбуотда янги нашр
пайдо бўлди — "Jadid". Бу ном жарангдор ва эъти-
борни тортади. Жаҳидлар дастурига қарайдиган
бўлсак, адабиёт ва публицистика, санъат ва мада-
ният асосий ўринда турган. "Jadid" саҳифаларида
ҳам бу аниқ кўринади. "Jadid"дан шахсан менинг
умидим катта.

Достон Раҳмат:

— Газеталарни кирилда, лотинда босилибди
дейшдан кўра, уларнинг дизайни устида ишлаш
кераклиги ҳақида гапиришимиз керакдир. Ўзбе-
кистонда худди шунақа нуҳада ва шаклда 15 та
газета чиқса керак. Агар ундан кўп бўлмаса.

Бошқаларни билмадим, аудиторинга жалб қилиш
учун ҳам ҳозирги кунда газета дизайни жуда муҳим.
Шу билан бирга, дизайнер ҳам ўз устида доимий
ишлаб, изланишда бўлгани яхши.

Шухрат Ҳайитов:

— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ўз
даврида турлича номланган, яъни инқилобий ўзга-
ришлар бу газетани кўп бўлган. Энг муҳими, у бугун
яни ном билан 700-800 нуҳада эмас, балки йигир-
ми мингга яқин ададда чоп этилаётир.

Асосий масала газетанинг қўлма-қўл ўқилишида,
ўз ўқувчиларини топишдадир...

Назокат Муродова:

— Янги газетанинг шов-шувини эшитиб ўқигим
келди. Лекин тополмадим. Тезроқ электрон верси-
ясини йўлга қўйинлар. Телефонда бўлсам ўқиб
турайлик.

Шерзодбек Деҳқонов:

— Газеталар "даври" яна қачонлардир қайтиши
керак. "Jadid"чилар жамоасига ижодий баркамоллик
тилайман. Иложи бўлса, нашр сони кўпайиб, ҳар бир
хонадонга кириб борса... Электрон шаклини ёритиш
масаласини ҳам ўйлаб кўриш керакмиз. Фақат
обуна билан чекланса, газета юксалиши қийин ҳо-
зирги вақтда. Яъни ижтимоий тармоқларда фаолла-
шиш майдонини яратиш керак.

...Бу қизчани деярли ҳар кун "Навоий - 30"
номи билан шухрат топган бино олдида кўраман.
Қорамағиздан келган, йиртиқ қавушини эпчиллик
билан судраб, бир қўли билан йўловчининг этаги-
дан тутганча, иккинчи қўли билан юзига фотиҳа
тортади. Жимгина тураверади. Фақат... кўзлари
гапиради. Қоп-қора бу кўзларда гўёки сиёҳ
билан йўғон-йўғон ҳарфларда "Садақа беринг!"
ёзилгандек...

Навоий кўчасидан тасодифий йўловчи кам
ўтади. Кунда-шунда нашриёт ва тахририятларга кел-
увчиларнинг аксарияти қизчани танийди. Кимдир
ҳазил-хузул қилиб, бир-икки сўм берса, айримлари
ўзини кўрмаганга олиб, ўтиб кетади.

— Пулни нима қиласан? – гапга солдим бир
кун қизчани.

— Нон оламан.

— Нонинг бор-ку? – қўлидаги нон бўлагига
ишора қилдим.

— Эртага нима ейман? – ажабланиб сўз қотди
қизча.

Ғалати аҳволга тушдим. Қизчага "нонпули"
бериб, ишонарга келдим. Унинг саволи тинмай
мияда айланарди: "Эртага нима ейман?"...

Уша воқеага қаҳар Худо мени тиланчи қилиб
яратмаганига шукрона келтириб, садақа қилардим.
Бундоқ ўйлаб қарасам, мен ҳам, мендан устун
бўлганларнинг кўпчилиги ҳам шу қизчадан деярли
фарқимиз йўқ экан. Биз учун ҳам "Эртага нима
ейман?" деган савол ҳаётимиз маъносига айланиб
қолгандек...

Қорин ғами жамият тараққиётига энг катта
таъсир кўрсатадиган омил бўлиб кўринади гоҳида.
Бир вақтлар Карл Маркс айтганидек, иқтисодий
фаровонлик жамиятнинг маънавий барқарор-
лигини таъминлайди. Шу гап рост бўлса, фақат
бойлари кўп бўлган жамият маданият, маънавият,
ахлоқ ҳақида қайғуради. Йўқсиллар жамиятида
адабиёт ҳам бўлмайди, санъат ҳам. Маданият ҳам
бўлмайди, маънавият ҳам... Унда нега коммунист-
лар бойларга қарши курашишди? Тушунмайман.
Майли, гап бу ҳақда эмас. Гап – бойлик ва маъна-
вият муносабатлари ҳақида.

Тарихга мурожаат қиламиз. Фирдавсий
"Шоҳнома"сига етарли ҳақ олмагани учун Султон
Маҳмуд Ғазнавийни ҳажв қилди. Низомий Ғанжа-
вийнинг "Ҳамса"сига беш нафар подшоҳ ҳомийлик
қилган. Алишер Навоийнинг сўз соҳибқирони бў-
лишига ким сабабчи бўлганлигини Кишварий деган
бир шоир шундай ифодалаган экан:

Кишварий шеъри Навоий шеърининг аксик эмас,
Бахтига душсайди бир Султон Ҳусайни Бойқаро.



Биз Мустақилликнинг дастлабки босқичида
ҳам шу йўсинни маҳкам ушладик – олдин иқтисод!
Кейин сиёсат! Айниқса, тадбиркорликка кенг йўл!
Маънавият-чи? Олдин қоринни тўйғазайлик, кейин
маънавият ҳақида ўйлаймиз. Маънавият ҳақида
ўйлайдиган бўлсак, эртага нима еймиз?..

Кимдир хорижа чиқиб кетди, кимдир тирик-
чилик бозорига. Кимдир порахўрликни бошлади,
кимдир воситачи бўлди. Ҳамма тўрт томонга ўзини
уриб, рўзгорини обод қилишга киришди. Қорнимиз
нонга тўйди, бирок кўзимиз очлигича қолди. "Эрта-
га нима еймиз?" саволидан қутулолмадик.

Маънавият эса, бозорга қарам бўлиб қолди.
Бозорга солинди маънавият. Мусаффо осмон
ҳақидаги маърузалар мактабда "иккичи" бўлган
уддабуронларнинг ажнабий мошинасининг чангида
қолиб кетди. Одамни одам ўрнида кўрмайдиган-
ларнинг донги чиқди, маъракаларнинг тўри шулар-
ники бўлди. Мезонлар қоринга қараб белгиланди...

Ислохотлар бошланди. Катта ислохотлар,
умидбахш ислохотлар. Ойлиқлар бир неча баравар
кўтарилди, уй-жой сотиб олишга имкониятлар
яратилди. Аммо порахўрлик иллатидан буткул
халос бўлмаямиз. Камида ўн миллион сўм ойлик
оладиган айрим амалдорлар муҳтож бир инсон-
нинг охириги 100 сўмини юлишдан ҳазар қилмайди.
Олаверади. Тиланчи қизчага ўхшаб, "Эртага нима
ейман?" деб олаверади. Берганнинг бетига қара-
май олаверади...

Бизда бойлар қатлами ҳали тўлиқ шаклланма-
ди. Исмига "бой"ни қўшиб чақиртирадиганларнинг
кўпи ҳали бойлик нималигини билмайди. Ҳақиқий

бой куллика кўнмайди. Нафсга қўл бўлмайди...

Нафсни итга ўхшатишган мутафаккир бобо-
ларимиз. Итнинг бўридан фарқи нимада? Бўри
сассиқ гўшта қарамайди. Итнинг олдида тоза гўш
билан ҳидланган гўштини отсангиз, бадбўй гўштга
ёпишди. Нафс ҳам худди шундай – ҳалол лўқма-
дан кўра, ҳаром порани кўпроқ истайди...

Бугунги фаровонлик, қулайлик ва эркинлик
ҳаттоки Темуриларнинг шонли даврида ҳам бўл-
маган. Аммо сабр-қаноат, мурувват, меҳр-оқибат,
одамийлик бобида аҳолимиз қандай? Нафсимиз
қулига айланиб бормаямизми...

Шайх Фаридууддин Атторнинг "Тазкират ул-ав-
лиё"асарида келтирилишича, Туруғбадий исмли
бир авлиё муридлари билан таомланиб ўтирган
экан. Чўл томондан бир йигит катта овчи итини
етақлаб келибди. Кекса Туруғбадий меҳмонни
иззат-ҳурмат билан давранинг тўрига ўтқазибди.
Меҳмон ҳеч нарсасиз эмас, сўз қотмас ҳар замон ёни-
га чўккалаган итига бир бурда нон бериб қўяркан.

Меҳмонни кузатганидан сўнг, муридлар шайхга
эътироз билдиришибди:

— Дастурхон тўрига ити билан чиқиб олган бу
бефаросат ким бўлди?

— Бу йигит – Мансур Ҳаллож. Ичидаги нафсини
ташқарига чиқариб, ит суратида ўзига эргаштириб
юрбди. Бунинг кашфу қаромотлари ҳали кўп маро-
таба олам аҳлини ҳайратга солар, деб жавоб берибди
Шайх.

Бизнинг нафс итимиз қаерда?..

Ноҳира АСАДОВА,
журналист

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:
Шухрат Азизов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 4169

Буюртма:
Г – 140

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

(71) 233-11-07

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти:
21.00.

Босишга топширилди:
21.35.

Сотувда нархи эркин.